Гос. книжная палата УзССР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 2 ноябрь, чоршанба №163 (21.737) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Дановант Энтерпрайзис" компанияси раиси В. Б. Дановант раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти "Дановант Энтерпрайзис" компанияси жаҳон пахта бозорида орттирган тажрибаси билан машҳурлигини таъкидлаб, компаниянинг "оқ олтин" етиштирувчи Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишини айтди.

Жаноб В. Дановант самимий қабул ва Ўзбекистон заминида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этар экан, мамлакатда ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, барқарорлик самарали ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратишини қайд этди.

Суҳбат чоғида жаҳон пахта бозорларида биргаликда фаолият юргизиш, Ўзбекистондаги пахтани қайта ишловчи заводларни замонавий технологиялар билан жиҳозлашда, мутахассислар тайёрлашда кўмаклашиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О. ОРИФОВ, Н. ЗОКИРОВ ВА БОШҚАЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маҳкумларнинг афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларини, жамоат бирлашмаларининг мазкур илтимосномаларга оид таклифларини кўриб чиқиб ҳамда, уларнинг содир этган жиноятларидан пушаймонликларини, келажакда ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан жамиятга хизмат қилиш ҳақидаги истакларини, шунингдек, уларнинг оила аъзоларининг моддий жиҳатдан оғир аҳволдалигини эътиборга олиб, қуйидагилар афв этилиб, жазони ўташдан озод этилсин:

1. Орифов Отаназар
2. Зокиров Носир Идрисалиевич
3. Охунов Пўлатжон Алимович
4. Турсунов Иномжон
5. Умурзақов Салават Хайруллаевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
19[illegible] йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

ТАБРИКНОМА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи делегатлари, қалбларимиз тўрида жўш урган сўзларимизни Сизга — ўз раҳнамомизга изҳор этишдан ғоят мамнунмиз.

Сиз она-Ватанимиз — Ўзбекистон ўз миллий давлат мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларданоқ унинг буюк келажаги, юртимизни жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқиш ғоясини олға сурдингиз. Табиийки, бундай улуғвор мақсадларга эришиш учун диёримизда янги сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши талаб қилинарди. Чунки, кечаги кунимиздан қолган тузилмаларнинг имкониятлари тугаган, улар эндиликда яроқсиз бўлиб қолган эдилар. Сиз ана шу ҳаётий заруратни биринчи бўлиб ва бошқаларга нисбатан яхшироқ идрок этдингиз. Сизнинг ташаббусингиз, дадил саъйи-ҳаракатингиз туфайли ана шундай сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партияси дунёга келди. Эсимизда, Сиз таъсис қурултойимизда: "Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётга қадам қўймоқда. Бу партия халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олади. У собиқ Компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир", — деган эдингиз.

Ўша тарихий кундан бери роппа-роса уч йил ўтди. Сиз тузган ва бошчилик қилаётган партиямиз дастлабки кунларданоқ ўзининг дастурий ғояларига, қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларингизга оғишмай амал қилиб келмоқда. У халқ, мамлакат, давлат манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб келаётганлиги учун ҳам халқимиз орасида обрў-эътибор қозонди, жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучига айланди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, бозор иқтисодиётига ларзаларсиз, босқичма-босқич ўтилаётганлиги, фаровон турмуш, маънавий янгиланиш учун замин ҳозирланаётгани, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида халқаро нуфузи ошиб бораётганлиги энг аввало, Сиз олиб бораётган халқчил ички ва ташқи сиёсат мевасидир. Биз шуни ҳеч ҳида қониқиш билан таъкидлаймизки, партиямиз бу сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, уни рўёбга чиқаришда ўзидаги бор куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда.

Бугунги қурултойимиз биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг долзарб вазифаларини белгилаб берди. У партиямизнинг мамлакатимиз аҳолиси барча қатламларининг эзгу орзу-умидлари, интилиш ва муддаолари ифода этилган сайловолди Сиёсий дастурини қабул қилди. Халқимизнинг муносиб фарзандларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларимизни кўрсатди. Ўйлаймизки, уларга овоз бериш билан сайловчилар партиямизга ўзларининг муносиб баҳоларини берадилар.

Ушбу сайловлар ҳаммамиз учун жиддий синов эканлигини, у осон кечмаслигини тушунамиз. Биз бу ҳалол мусобақада ютиб чиқиш учун ўзимизнинг тажрибамизни, партиямизнинг ақлий салоҳияти, оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларининг самарали шакл ва воситаларини, энг муҳими — ташаббускорлик ва уюшқоқликни, онгли интизом ва жипсликни сафарбар этамиз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатдаги етакчи ижтимоий-сиёсий куч эканлигини яна бир бор амалда исботлашга, унинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ваъда берамиз.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, қурултой қатнашчилари, Сизни партиямизнинг барча аъзолари номидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кунининг уч йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз ва у Ўзбекистоннинг нурли истиқболини яқинлаштиришга қаратилган олижаноб ишларингизда бундан буён ҳам Сизга ишончли, мустаҳкам сиёсий таянч бўлиб қолаверади, деб ишонтирамиз.

Омад Сизга ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи делегатлари.

Тошкент, 1994 йил, 1 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

СУРАТЛАРДА: қурултой пайти.

1994 йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов партиямиз Раиси, мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг қурултой делегатлари ва барча партия аъзоларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган куннинг уч йиллиги билан самимий қутлаб, қурултой ишига муваффақиятлар тилаганини маълум этди. Президентимизнинг таъкидлашича, деди нотиқ, партиямиз уч йил давомида ўсиб улғайди, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ўз дастурий ғояларининг халқчиллиги, ҳаётийлигини амалда исботлади.

Ислом Абдуғаниевич Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловларнинг кўппартиялилик асосида, жиддий сиёсий курашда ўтишига бизнинг эътиборимизни қаратиб, ғалаба соғлом курашда қўлга киритилади деб ишонч билдирди, — деди А. Жалолов.

Биринчи котиб партия Раиси И. А. Каримовнинг топшириғига биноан Ўз ХДП навбатдан ташқари II қурултойини очиқ деб эълон қилади.

Шундан сўнг, қурултойнинг ишчи органлари: ҳайъат, котибият, таҳрир ва ваколат комиссиялари сайланади.

Қурултойнинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ва партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастури ҳақида.

3. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида.

4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

Қурултой кун тартибидаги 2,3 ва 4-масалаларни биринчи масала бўйича қилинадиган маърузада еритиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинади. Маъруза учун сўз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалоловга берилди. (Маъруза матни газетамизда эълон қилинади). Маъруза юзасидан музокаралар бошланади. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов, Ўзбекистон ХДП Қарши туман кенгаши биринчи котиби М. Гелдиева, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Учқўрғон жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Р. Қамбаралиев, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби А. Мирсалимов, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кен аши иккинчи котиби Л. Юрикова, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари кенгаши раиси Б. Раҳимов сўзга чиқдилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қурултой резолюцияси ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи комиссия сайланади.

Партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодликка маҳаллий партия ташкилотлари тавсия қилаётган номзодларни ўрганувчи ишчи гуруҳини тузган эди. Қурултой ушбу гуруҳ ваколатини тасдиқлади ва у ўз ишини давом эттириши керак, деган қарорга келди.

Музокаралар давом эттирилади, унда Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги иқтидорли болалар мактаби директори Ж. Молдабекова, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Бекобод шаҳар кенгаши биринчи котиби Д. Қориев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти Пахтаобод туман кенгаши биринчи котиби Д. Саидов, Самарқанд давлат университети кафедра мудири Ҳ. Бегматов, Самарқанд вилояти Ғузалкент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси И. Кубаев, Бухоро вилояти Вобкент туманидан фермер С. Знедуллаев сўзга чиқдилар. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Қурултой ваколат комиссияси таклифига мувофиқ делегатларнинг ваколатларини тасдиқлади. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича резолюцияни қабул қилади.

Танаффусдан сўнг қурултой делегатлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини муҳокама қилишга киришади. Бу ҳужжат тўлигича қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларни ўрганиш ишчи гуруҳи томонидан тавсия этилган ва делегатлар вакиллари йиғилиши маъқуллаган номзодларнинг барчасини муҳокама қилиш учун рўйхатга киритиш таклиф этилади. Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқлади.

Қурултой резолюция ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи комиссия таклифига биноан Ўзбекистон ХДП Низомига таклиф этилаётган ўзгартиришлар қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов якунловчи нутқ сўзлади.

Қурултой делегатлари бир овоздан Ўзбекистон ХДП Раиси, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов номига партия ташкил топган куннинг уч йиллиги муносабати билан табрикнома йўлладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини ижро этиш билан ўз ишини тамомлади.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов қатнашдилар. Шунингдек, қурултой ишида делегат этиб сайланмаган Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари, республиканинг қатор вазирликлари, идоралари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: қурултой ишидан лавҳалар. Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

1 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойига келган Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари делегатларининг вакиллари қурултой бошланишидан олдин Мустақиллик майдонига келдилар. Улар бу ердаги маҳобатли Мустақиллик ёдгорлиги пойига ғулчамбар ва анвойи гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

ДЕЛЕГАЦИЯЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

1 ноябрь куни Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи бошланиши олдидан Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари делегация вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қурултойнинг ишчи органларини шакллантириш, уни олиб бориш тартиби билан боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ,Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш қизгин давом этмоқда.

Шу йилнинг 26 октябридан бугунги кунга қадар халқ депутатлари Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлар кенгашларининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияларида ушбу ҳудудлардан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Юксак ишончга сазовор бўлган депутатликка номзодлар орасида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш, жамоа хўжалиги, акционерлик-тижорат, маданият, санъат ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, халқ хўжалигининг бошқа турли соҳаларидан вакиллар бор.

Марказий сайлов комиссияси юқорида қайд этилган халқ депутатлари вилоят кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ушбу ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисида ўз хулосаларини берди.

Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилаётган номзодларни рўйхатга олиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Қурултой делегати билан суҳбат

НИЯТИМИЗ МУШТАРАК

Дилбар Муҳаммадхоновна Ғуломова — Тошкентда туғилган. Тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, олтмиш учинчи йили Модалар уйида конструктор бўлиб иш бошлаган. Турмуш ўртоғи ҳарбий врач бўлганлиги сабабли Жамбул, Каттақўрғон, Чирчиқ шаҳарларида яшаб, ишлашга тўғри келди. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги якка буюртмалар тикиш фабрикаси директори, вилоят маҳаллий саноат, машиний хизмат, коммунал хўжалиги ходимларининг касаба уюшмаси раиси, вилоят Касаба уюшмалари кенгашининг раис муовини ва раиси, тўқсон биринчи йилдан Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини ва эндиликда раис вазифаларида ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Фарзандлар, куёвлар, келин, набиралар инчунин.

Қуш тилини қуш билади, деганлари тўғри-да. Дилбар опа билан суҳбатимиз тезда қовўша қолди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганда унинг Дастури билан танишдим-у, "Мени аъзоликка қабул қилинглар", дея ариза ёздим,— ҳикоя қилади опа.— Бунинг боиси Дастурнинг бошидан охиригача халқ манфаатининг кўзлангани, халқ мададига таянган ҳолда партия адолатли жамият яратишда ўз ҳиссасини қўшажаги, партия халқнинг энг яхши анъаналари, умумбашарий қадриятлар, қимматли фазилатларига суянажаги, фуқаролар тинчлиги, миллатлар тотувлигини кўзлаши, муҳими, "Оила равнақи — давлат равнақи" деган ақидага амал қилган ҳолда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ўз сиёсатининг энг зарур йўналиши, деб билгани эди. Эндиликда эса республика Хотин-қизлар қўмитаси дастури партия Дастури билан муштарак. Бир мақсадни кўзлаб ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб иш олиб боряпти.

Бундай разм солсак, ҳаётимиз кун сайин янгиланиб бораётганини ҳис этамиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мулкчилик шакллари ўзгаряпти. Фойда келтирмайдиган корхоналар тугатилмоқда. Афсуски, бунинг оқибатида ишсизлар пайдо бўляпти. Нархларнинг эркинлашуви натижасида эса яна қатор муаммолар келиб чиқяпти. Қўмитамизнинг иш йўналиши ҳаётимиздаги ўзгаришларга реал кўз билан қараб, аввало, хотин-қизларни бозор зарбаларидан ҳимоя қилишга, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга йўналтирилган. Шунингдек, нафақахўр аёллар, ногиронлар, талаба ўқувчи-қизлар, кўп болали оналар, кам даромадли оилалар ҳамиша бизнинг диққат-эътиборимизда. Маҳаллаларда тузилаётган бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда бундай оилаларга ёрдам бериш йўлларини излаяпмиз. Партиямиз бундай ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти.

Кези келганда шуни айтиш керакки, қўмитамиз остонасига турли юмушлар билан нажот истаб келувчиларнинг кети узилмайди. Уларнинг дардини тинглаб, шунга яраша малҳам топишга интиламиз, бироқ кўп ўринларда қўлимиз калталик қилади. Шундай дамларда бевосита партия раҳбарларига мурожаат қилишга тўғри келади. Кенгашли тўй тарқамас, дёганларидек улар билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Аёл аввало она. Бироқ бугунги кун аёли зиммасида оламжаҳон юмуш бор. Йўқ, деб кўринг-чи, айтолмайсиз. Мана, каранг, республика аҳолисининг тенг ярмини аёллар ташкил этади. Гоҳо айрим катта-катта лавозимларда ишловчи эркаклардан "Қўмита аёлларни уйга, оиласига қайтариши керак", деган гапларни эшитиб қоламан. Дейлик, шундай бўлсин ҳам. Бошқа соҳаларни қўя туринг. Биргина соғликни сақлаш соҳасида 73 фоиз, халқ таълимида 62 фоиз, саноатда 52 фоиз аёллар ишлайди ва ҳоказо. Шунинг ўзиёқ хотин-қизларнинг жамиятдаги ўринини белгилаб турибди. Ахир аёлларни уйга қайтариш, бу жамиятни шундай кучдан маҳрум этиш, уни оркага қайтариш эмасми? Шу ўринда Халқ демократик партиясининг ибратли ишларидан бири оғир ва зарарли ишларда хотин-қизлар меҳнатини кескин камайтиришга, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганлигини таъкидлаб ўтгим келади.

Ҳар бир аёлнинг тақдирида ҳаётимизнинг, ҳаётимиз тарихининг бир бўлаги бор. Ҳозирги кунда хотин-қизларимиз маданий ва маънавий ҳаётда, жамоат ишларида етакчи ўринни эгаллаш билан бирга оила ва болалар тарбиясига ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Республикада биринчи бўлиб таъсис этилган "Соғлом авлод учун" ордени ҳам аёллар зиммасига кўп масъулият юклайди. Дунёга келаётган зурриётнинг соғлом туғилиши учун ҳамма зарур шароитларни яратиб бериш, келажак авлод саломатлиги тўғрисида жиддий қайғуриш, шу билан бирга ёш авлоднинг маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши, ҳаётимиз тараққиётини чуқур ўргана билиши, таълим-тарбияда етук инсон бўлиб етишиши бугунги куннинг муҳим талабидир. Фарзандларининг баркамол бўлиб вояга етишида аввало оналаримизнинг ўзлари маънавий соғлом ва етук, болаларнинг камолотини тўлиқ таъминлайдиган, ватанга садоқатли фарзандлар етиштирадиган бўлишлари керак. Қолаверса, мамлакатимизни руҳан тетик одамлар, ўлкасига айлантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Партиямиз оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга катта аҳамият бериб келмоқда. Шунингдек, партияни ташвишга солаётган энг муҳим муаммолардан бири халқнинг ирсиятини соғломлаштириш масаласидир. Қўмитамизнинг "Соғлом авлод учун" дастурида янги оила қураётган ёшларнинг никоҳ олдидан тиббиёт-генетик марказларидан кўрикдан ўтишлари тавсия этилган. Бироқ бундай марказлар ҳали барча вилоятларда мавжуд эмас.

Республикамизда майиб-мажруҳлар интернатларидаги болаларнинг кўпайишига, ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитларимизнинг носоғломлигига, чақалоқларнинг ногирон туғилаётганлигига қариндош-уруғлар ўртасидаги қудачилик ҳам сабаб бўлаётгани сир эмас. Авлодимиз давомчилари соғ, насли тоза бўлиши учун ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Бундай ташкилий ишларда Халқ демократик партияси бизга яқиндан ёрдам беришига ишонамиз.

Бир оғиз сўз Республика Олий Мажлисига бўлажак сайловлар хусусида. Қўмитамиз ҳам бу катта тадбирда қатнашишга, республикада ўзига яраша мавқега эга эканлигини намойиш этишга ҳаракат қиляпти. Бу масалада ҳам Халқ демократик партияси билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Зеро, энди орқага қайтмай, буюк келажак томон қадам ташлар эканмиз, ҳар ишда ҳаммаслаҳат, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиш ҳамиша яхшиликка, эзгуликка етаклаши аниқ.

Суҳбатни Умида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.

Партия фаоллари минбари

ХЎП ИШЛАГИНГ КЕЛАДИ

"Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўрта Осиёдагина эмас, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда асосий эътибор янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Ҳозирда бирлашма чиқараётган маҳсулотлар тури 42 тага етди.

Бирлашмамизга қарашли Андижон "Электроаппарат" заводи ҳамда Марҳамат, Қорасувдаги заводларимиз ҳам сўнгги йилларда илғорликни қўлдан бермай келяпти. Кўп миллатли аҳил жамоанинг шиори: меҳнатда ва турмушда кўтаринкилик, республика иқтисодиётига ҳисса қўшиш. Шу боис ҳам 6680 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг юзларида ўзаро ҳурмат ва табассумни кўрамиз.

Бугунги кундаги иқтисодий тақчилликка қарамай МДҲ ва хорижий давлатлар билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Ҳамкорлигимиз янада кенг қулоч ёзяпти. Кейинги пайтда жамоамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга КХР, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа кўплаб давлатлардан талаб ошиб боряпти.

Катта жамоадаги ютуқларнинг бошида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, партиямиз фаолларидан бири, бирлашма бош директори Абдуманноп Алимбоев турибди. Ташкилотчи раҳбар ХДП аъзоси сифатида ҳар бир бошланғич партия ташкилоти тадбирига бош-қош. Шунинг учун ҳам у Миробод туман партия кенгаши ижроия бюросининг фаолларидан ҳисобланади.

Бирлашма бошланғич партия ташкилоти маъмурият, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ишда сифат ва самарадорликка эришяпти, ишчиларда яхши кайфият, Ватанга садоқат сезилиб туриши учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Ишчиларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз етказиб, арзон нархда сотиш учун Тошкент, Сирдарё вилоятларининг бир қатор жамоалари билан шартнома имзоланган. Унга асосан хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлашга ва устахоналарини жиҳозлашга қўмаклашяпмиз. Ҳар бир ишчи-хизматчининг унумли ишлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Корхона қошида бадиий дасталар ва театр гуруҳи ишлаб турибди. А. Алимбоев бошчилигида жамоамиз аъзолари иштирок этган иккита спектакль: "Сирано де Бержерак" ва "Ричард III" томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Улардан бири Тошкентда бўлиб ўтган халқаро "Шарқ-Ғарб" фестивалида ҳам муваффақиятли қўйилди.

Албатта, партия Низоми ва дастурий мақсадлари, Миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида иш олиб бориш ҳамда юртбошимизнинг халқчил Фармонларини бутун жамоа аҳлига тўғри етказиш яхши йўлга қўйилгани, барча партия аъзоларининг аҳиллиги, ишчанлиги, ташаббускорлиги боис ҳам хўп ишлагинг келади, киши. Шунингдек, жамоамиз ёшларининг фаоллиги, сиёсий ташкилотимизга бефарқ эмаслиги ишонч ва эътиборимизни оширади. Сафларимиз улар ҳисобидан ўсиб боряпти. Бўлғуси сайловларга ҳам тайёргарлик ва тарғибот ишлари бошланиб кетди. Бутун жамоамиз аҳлининг мақсади Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга фақат муносиб номзодларни кўрсатиш ва сайлаш ҳамда республикамиз иқтисодий равнақига катта улуш қўшишдан иборатдир.

Амиржон СОДИҚОВ,
"Ўзбекэлектроаппарат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби.

ТАЯНЧИМИЗ — ИШЧИЛАР

Туманимиздаги иссиқлик электр маркази йирик иншоот. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 279 минг ўрнига 338 минг киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, бу соҳада белгиланган режа муваффақиятли уддаланди. Корхонамиз Муборак газни қайта ишлаш заводини буғ билан тўлиқ таъминлайди. Бундан ташқари, иссиқлик электр маркази қошидаги кичик корхоналарда 14,5 минг сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила бўлиб меҳнат қилишаётир. Уларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун бутун чоралар кўрилмоқда. Ҳозирги пайтда энергетиклар кўрғони қад ростлаяпти. 34 хонадонлик уйни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Яқин кунларда шулардан бештасида ҳовли тўйлари бўлади. Бу маросимлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллиги тадбирлари билан уланиб кетади.

Бошланғич партия ташкилотимизга 29 нафар аъзо бирлашган. Муҳандислардан Карим Маматқулов, Содиқ Ҳазратқулов, ишчилардан ака-ука Шокир ва Даврон Душаевлар яқинда партия билетларини қўлга олишган бўлса, яна беш киши ўз тақдирини Ўзбекистон ХДП билан боғлашга аҳд қилдилар. Булар-жамоанинг ёш, мустақил фикрли, Ватан истиқлоли йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ишчиларидан. Республика Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар олдидан партиямиз сафига ёш кучларнинг келиб қўшилиши ғалабамизга ишончни мустаҳкамлайди.

Дониёр НЕЪМАТОВ,
Муборак тумани иссиқлик электр маркази бошланғич партия ташкилотининг котиби.

1300 КИШИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Каттақўрғон шаҳар Кенгаши аъзолари сафи ўсиб боряпти. Улар 1300 нафар кишига етди. Биргина шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида партия аъзолари яна 100 кишига ортди.

Шаҳардаги "Сармазор" маҳалласи қошида ҳам ҳудудий бошланғич партия ташкилоти тузилди. Ташкилот котиблигига шаҳар маданият бўлимига қарашли 3-қироатхона мудираси Нигора Эсонова сайланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Азимжон Юсупов маҳалла бошланғич ташкилоти фаолиятига муваффақият тилаб, партия аъзолигига қабул қилинган беш кишига янги билетларни топширди.

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши ҳисобидаги ҳудудий бошланғич ташкилотлар сони шу билан 69 тага етди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бўлими ходими.

Қўқон шаҳридаги Охунбобоев номли чойшаб ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти котибаси Анорхон Умарова бошланғич ташкилотнинг навбатдаги вазифалари ва режалари хусусида партия фаоллари билан маслаҳатлашмоқда.

Ташаббус

ХАЙРЛИ ИШГА БОШ ҚЎШИБ

Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати директори, Ўзбекистон ХДП аъзоси Абдумурод Ҳусанов бир йиғинда: "Туман шифохонасини қиш олдидан таъмирлаб берайлик", деган гапни ўртага ташлади. Бу ташаббус кўп ўтмай 42 меҳнат жамоаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Бугунга келиб шифохонада 300 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Иситиш қурилмаларининг тўла кўздан кечириб чиқилгани ҳам ҳаммасидан яхши бўлди.

— Қишлоқлардаги даволаш муассасаларини ҳам кўмир билан таъмин қилаяпмиз,— дейди туман бош ҳакими Т. Маматхонов.— Қиш фаслида, айниқса, болалар саломатлигини кўпроқ ўйлаймиз.

"Ўзбекистон овози" мухбири.

Асл деҳқон тўғрисини гапиради

БИЗДАН БУГИНА, СИЗДАН-ЧИ?

Жомбой туманидан Низоматов номли жамоа хўжалиги раиси Аваз Эргашевни кўпдан бери танийман. Вилоятдаги ўнлаб жамиятлару бошқарув органларига сайланган. Лекин бирор марта ҳам минбарга чиқиб гапирганини кўрмаганман.

— Рост гапирсанг ёмон кўришади. Ёлғон айтишга виждоним чидамайди. Баъзан фақат кўнгилдаги гапларгина эмас, қилаётган ишларинг ҳам эътиборсиз қолаётгани алам қилади.

— Аммо Президентимиз қишлоғингизга келганда очилиб кетдингиз...

— Очиғи, у киши самимийлиги, эътибори билан мени гапиртириб юборди. Мулоҳазаларим Ислом акага шунчалик маъқул тушади, деб ўйламагандим... Тўғри, ғаллачиликда Америка очмадик. Аммо тажрибани ўрганиш зарар эмас. Айрим раҳбарлар буни тан олишмайди.

— Аниқроғи, нимани назарда тутяпсиз?

— Бошқарувни айтаман-да. Уч йилда пахта майдони 1,5 минг гектардан 300 гектарга тушди. Худога шукр, деҳқоннинг дастурхонида егуликнинг ҳамма тури бор. Эҳе, қанча гап эшитдим бу иш учун. Битта имзо учун ойлаб сарғайдим. Бундан ташқари, орамиздан чиққан бир-иккита маъракабузарни қўллаб турувчилар бўлади...

— Барибир қишлоқ хўжалигини бошқариб туриш керак-ку?

— Албатта, тармоқни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Аммо фойдаси тегмаса бошимга ураманми шляпа кийган раҳбарни. Ҳаммаси бошқаргани учун ҳақ сўрайди. Қанча фойда келтирганини айтмайди, оғзига келганини сўрайди. Лекин битта мих керак бўлсаям вилоят идораларига ўзимиз борамиз. Пул кўчириш учун банкирга ялинамиз, маҳсулот учун — завод директорига. Қабул пунктлари бошлиқлари ҳам ўзича бир хўжайин.

— Иложи бўлса...

— Лўқмангизни тушундим. Қаранг, биз ғаллани шийпонда қуритамиз ва дон комбинатига жўнатамиз. Ҳар бир тележкадаги ғаллани ярим соат лабораториядан ўтказишади. Тракторларнинг аккумуляторлари йўқ, ярим соат (мен ҳалиям умумий кутишни қўшмаяпман) тириллаб туради. Ана энди ҳисобланг: ҳар тележкага 2 тонна дон кетса, ярим соатда қанча, бир кунда қанча ёқилғи исроф бўлади. Ахир бу ёқилғини топиш учун неча марта ёлворганимизни ким билади?!

— Наҳотки бу муаммонинг ечими топилмади?

— Топилмади?! Ҳоким Исроилов унга-бунга гапириб кўрди. Анализни бевосита шийпонда ўтказишларини сўради. Кўнишмади.

Бунисиз майли. Ўтиб кетди. Келаси йилгача бир гап бўлар. Энди қарзнинг машмашасини қаранг. Қишлоқ саноати корхоналари маҳсулот учун пулни ярим-бир йил деганда беради. Ноилож биз банкдан қарз олиб маош тўлаймиз. Қарзнинг фоизини ҳам ўзимиз тўлаймиз. Хўш, нега энди биз? Бели оғримай мўмай пул топаётганларни сўрайдиганлар йўқ. Расмиятчилик кўплигидан арбитражга боришга юрак йўқ.

Халқимизда "Биздан бугина — сиздан угина" деган ажойиб нақл бор. Биз, яъни деҳқонлар етиштирган ҳосилни текин гаровга бериб юборяпмиз. Текин деганимнинг сабаби шундаки, бир йилдан сўнг тўланган пулга бир кило гўшт ҳам бермайди. Саноат корхоналари эса ўрисчасига "предоплата" деб туриб олишади.

Бунисиям майли. Суғурта деган идора бор. У табиий офатлардан кўрган зарарнинг бир қисмини қоплаши керак. Чунки биз шунинг учун уларга бадал тўлаймиз. Аммо суғуртачилар йил охирини кутишади. Агар режани бажарсак, товонни тўлашмайди. Ҳой, номард, ахир деҳқон орият, манфаат учун ҳосилнинг кемтигини қоплади, дегувчи йўқ. Натижада меҳнатдан безиб қоламиз. Яшириб нима қиламиз: айрим хўжаликларда белини оғритиб ишловчилар қолмаган.

— Аваз ака, барибир ғалла туфайли эл оғзига, Президент назарига тушдингиз. Бу борадаги тажрибангиз билан ўртоқлашсангиз...

— Йил бошида 832 гектар ерни ғаллачилик звеноларига бўлиб бердик. Шундай шарт қўйдик: хўжалик 40 центнердан ортиқ ҳосилнинг бир килосига ҳам даъво қилмайди. 415та звенонинг асосийси режани бажарди. 60, ҳатто 70 центнердан ошириб ҳосил кўтаришди. Ҳаммаёқни сомон босиб кетди. Тегирмонлар кеча-ю кундуз ишлади. Одамлар унлик бўлиб қолишди. Лекин 40 центнерга етказмаганлар ҳам кўп бўлди. Демоқчиманки, рекорд ҳосил тасодифий эмас. Унга фақат ишлаган етишди, холос.

— Раис бува, иш тартибингиз қандай?

— Эрталаб барвақт тураман. Планёрканн ҳам тонгда ўтказамиз. Кечқурун айримларга ўхшаб ярим кечагача бригадирнинг бошини қотириб ўтирмаймиз. Ўзим ҳам дам оламан. Уйдаги молларга ўзим ўт ташлайман. Экинларга қарайман.

Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

Транспортда ислоҳотлар қандай боряпти?

СОЛИҚ ДАРОМАДДАН ЭМАС, ФОЙДАДАН ҲИСОБЛАНСА

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳали транспорт тармоқларининг ишини тубдан яхшилашда тўла ўз самарасини кўрсатгани йўқ. Бунга сабаб, транспорт ишини давлат томонидан тартибга солиш бўйича қонуний ҳужжат етарли ишлаб чиқилмаганидир.

Ҳозирги манзара қандай? Бозор инфраструктураси кўнгилдагидек ташкил топмаган. ТРАНСПОРТ техникаси ва хизматининг бозори барпо этилмаган. Бунинг устига транспорт-йўл хўжалиги тармоқ идоралари томонидан алоҳида-алоҳида ҳолда бошқарилмоқда. Бу эса уларнинг фаолиятини яхлит транспорт тизими негизида мувофиқлаштиришга имкон бермаётир. Ҳали транспорт корхонаси ўз фаолиятида иқтисодий эркинликка эга эмас. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш суст бораяпти. Натижада давлат мулкининг ҳукмронлиги тармоқда шахсий жамоа, ҳиссадорлик ва бошқа илғор хўжалик шакллари кенг ривожланишига тўсқинлик қилаётир. Бу ҳолат бозор иқтисодиети талаблари асосида рақобатли муҳит яратишга ғов бўлмоқда.

Вазият эса транспорт корхоналарида бозор иқтисодиетига хос тартиботни кенг тадбиқ этишни тақозо қилиб турибди. Бунинг учун тармоқ корхоналарида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришда ҳуқуқий демократик жамиятта мос келадиган жиддий ўзгаришлар амалга оширилиши лозим.

Корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш учун, энг аввало, транспорт тўғрисида давлат қонуни ишлаб чиқилиши керак. Ушбу қонунда транспорт мажмуини тартибга солиш ва уни бошқариш масалалари тўла ёритилиши зарур. Қонун умумий транспорт тизимидан фойдаланишга оид иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва тижорат масалаларини ўз ичига олиши лозим. Унда яна турли транспорт корхоналарининг ўзаро боғланиши, уларнинг мижозлар, марказий ва маҳаллий ҳокимлик органлари билан муносабатлари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий фаолият ва бошқа масалалар ифодаланган бўлиши керак.

Транспорт тўғрисидаги қонун доирасида темир йўл, автомобиль, қувур ҳамда шаҳар транспорти кабилардан фойдаланишга оид янги низом, кодекс, қоида ва йўриқномалар зарур. Шунингдек, МДҲ ва Марказий Осиё ҳамжамияти давлатлари ҳудудидан, коммуникациялардан фойдаланиш, транспорт йўлларидан транзит юк ва йўловчиларни ҳеч қандай тўсиқсиз ўтказиш ҳамда янги темир йўл, автомагистраль, қувур транспорти ва аэропортларни биргаликда қуриш-фойдаланиш ишлари ўзаро келишилган узоқ муддатли битим асосида ташкил этилиши ҳам кўзда тутилиши зарур.

Айни пайтда Россия ва Марказий Осиё давлатлари биргаликда Овросиё миқёсида транспорт турларидан алоҳида ҳамда аралаш фойдаланиш, юк-йўловчи ташишни таъминлай оладиган "Осиётранс" транснационал корпорацияси (ТНК) тузиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинса, ташқи иқтисодий алоқадаги транспорт муаммоларини ечиш анча енгиллашади. Шунингдек, у ТНК юкларини темир йўллар, Каспий, Волга-Дон, Волга-Балт сув йўллари орқали МДҲ ҳудудида, Оврупо ва бошқа қитъаларга ташишни ўз зиммасига олган бўларди. Бунда МДҲ мамлакатларини Тинч океан минтақасидаги давлатлар, Жанубий ва Яқин Осиё давлатлари билан боғлашда ҳам ТНКнинг роли ортишига эришилади.

Умуман олганда экстерриториал тизимда ишлайдиган транспорт учун яхлит иқтисодий макон керак. Шундай макон охирги пайтда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари томонидан тузилди. Кейинчалик у Россия ва бошқа мамлакатлар миқёсида тузилса, у ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан бирга транспорт ишини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қилиш учун анча қулай бўларди.

Транспорт тўғрисидаги қонунда тармоқ корхоналарининг аниқ фаолият доиралари, уларнинг ўзига хос шарт-шароити ва хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Темир йўл транспорти, автомобиль йўллари, қувур, сув ва ҳаво транспорти Ўзбекистонда Мулкчилик тўғрисидаги қонунга мувофиқ давлат тасарруфида қолади. Бу тармоқларни тез ривожлантириш, бор мулкдан самарали фойдаланиш учун давлат-ҳиссадорлик шаклидаги уюшмалар ташкил этиш мумкин. Автотранспортда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳукумат томонидан қабул қилинган дастурлар орқали босқичма-босқич амалга оширилади. Бунинг учун аввало, давлат мулкини жумҳурият ва маҳаллий ҳокимиятлар орасида тўғри бўлиб олиш керак. Хусусийлаштириш дастурларида давлат корхоналаридаги транспорт воситаларини аҳолига ва жамоага сотиш бўйича аниқ йўриқлар белгилансагина рақобатдаги иқтисодий субъектлар муҳити яратилади. Буни алоҳида назарга олиш фойдали бўларди.

Мазкур тармоқларда бозор иқтисодиетига мос бошқарув тизими яратилиши керак. Тўғри, кейинги йилларда тор тармоқлардаги вазирликлар тугатилди, улар ўрнида бозор иқтисодиетига мос концерн, корпорация, компания ва уюшмалар тузилди. Лекин бу ҳали бошқарув тизими мукаммал бўлди, деган гап эмас. Масалан, темир йўл транспортида ҳозир ташиш технологияси жараёнида бир-бири билан жипс боғлиқ уч бўғинли вертикал бошқарув структураси (бошқарма-темир йўл бўлими-линиядаги корхоналар) мавжуд. Бу мураккаб тизим ўрнига икки бўғинли бошқарув структураси (бошқарма-корхона) га ўтилса, асосий корхона сифатида ташиш бўйича темир йўл бўлимлари, таъмирлаш бўйича эса локомотив-вагон таъмирлаш заводлари, депо ва бошқа устахоналар хизмат кўрсатган бўларди.

Шунингдек, транспорт хизмати бозорини кенг ташкил этиш учун барча минтақаларда керакли инфраструктурани ҳам яратиш керак. Бунинг учун транспорт биржалари, тармоқ банклари, ташқи ва ички транспорт-экспедитор ҳамда аудитор компаниялари ва фирмалари, тижорат-ахборот марказлари, суғурта компаниялари татбиқ этувчи — консалтинг ва бошқа воситачи фирмалар ривож топиши керак, деган фикрдамиз.

Транспорт корхоналари ўзини ўз маблағи билан таъминлаш учун солиқлар олиш тартиботини ҳам такомиллаштириш керак. Транспорт корхоналаридан олинадиган хилма-хил солиқлар тизими ўзининг ҳажми ҳамда ҳисоб-китобнинг ўта мураккаблиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, автомобиль йўли қуриш ва улардан фойдаланиш учун барча корхоналар ўз даромадидан маълум миқдорда маблағлар ажратадилар. Ваҳолонки, бу ажратмалар корхоналардаги автомобиллар сонига мутлақо боғлиқ эмас. Транспорт воситаларидан олинадиган солиқлар ҳам автомобиль йўллари жамғармасига сарфланмай, амалда бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Бу солиқлар ўрнига фақат автомо иль йўллари фондига кетадиган солиқларни харид этиладиган автомобиль, эҳтиёт қисм ва автошиналар ҳамда ёнилғи-мойлаш моддалари қийматидан маълум миқдорда белгиланса, тўғрироқ бўлар эди.

Яна бир гап шуки, иш фаолиятидан олинадиган солиқлар даромаддан эмас, балки фойдадан олинса, ресурслардан қайта-қайта солиқлар ундиришга чек қўйиларди. Умуман, йўловчилар ташийдиган барча транспорт корхоналари қўшимча қийматга қўйилган акциз солиқларидан мутлақо озод қилинса, кира ҳақларини бирмунча камайтириш мумкин бўлади. Бу эса аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда қўшимча далда бўларди. Транспорт ишини давлат йўли билан тартибга солишда сармоя си сати муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда транспортни ривожлантиришга корхоналарнинг ўзи ишлаб топган маблағларини ишлатиш одатга кирди. Давлат бюджетидан эса кам сармоялар ажра илиб, у ҳам асосан шаҳар транспортига жалб қилинмоқда.

Натижада транспорт тармоқларини ривожлантиришга ажратиладиган сармоялар миқдори жуда камайиб кетди. Транспортдаги иқтисодий тангликни ҳисобга олган ҳолда, корхоналарни хусусийлаштиришдан ҳамда транспорт воситаларига солинадиган айрим солиқлардан тушган маблағлар, чет эл валюта резервларини транспорт техникасини янгилашга ва унинг муҳим объектларини ривожлантириш учун ажратишга тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Фикримизча, ҳар хил манбалардан тушадиган маблағларни жамғариш ва улардан тўғри фойдаланиш учун алоҳида сармоя жамғармаси (Трансинвестбанк) тузиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиётни соғломлаштириш учун даставвал бозор муносабатларига дош берадиган хўжалик механизми яратилиши керак. Эндиликда даромадни ошириш учун фақат тариф ва нарх-навони кўтариш эмас, балки тадбиркорлик билан иш ҳажмини кўпайтириб, унинг таннархини тушириш йўлини тутиш керак. Бунинг учун барча ресурслардан самарали фойдаланиш зарур. Транспортнинг ишламай бекор туриб қолиши ҳамда юксиз юришини камайтириш, резерв ва имкониятларини тўла ишга солиш керак.

Меҳнат интизомига риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Корхона раҳбарлари ҳаракат интизомини бузаётган ва тушган даромадни яшираётган шахсларга жиддий чоралар кўришлари лозим. Шунингдек, темир йўл ва авиация вокзалларида чипта сотишдаги камчиликларга чек қўйилмоғи зарур. Умуман, жойларда маҳаллий ҳокимият ҳамда тегишли ташкилотлар транспортда тартибни бузувчиларга қарши назорат тизимини амалда тадбиқ этишлари керак.

Яна бир муҳим масала — у тармоқ корхоналарини замонавий кадрлар, айниқса, мутахассислар билан таъминлашдир.

Жумҳуриятда транспорт муаммоларини ўз вақтида ва мукаммал еча оладиган, бозор иқтисодиети ва халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий мутахассислар тайёрлайдиган йирик илмий-таълим маркази — транспорт академияси ташкил этилиши зарур бўлиб турибди. Транспорт муаммоларини ўз вақтида ва илмий асосда ечиш учун Транспорт вазирлиги қошида алоҳида илмгоҳ ҳам (ИКТП) тузилиши керак. Шунда келажаги буюк давлатимиз транспортини ривожлантиришнинг мукаммал дастурини пухта ишлаб чиқиш имкони туғилади. Булар кун тартибида турган долзарб масалалар деб ҳисоблаймиз.

Камол ЎЛЖАБОЕВ,
профессор.

ХИРМОНИ ЧЎНГ, ЙЎЛЛАРИ ЎНГ НАМАНГАНДИР БУ !

"...Халқимизни руҳлантириш керак. Рағбатлантириш бошқа — бу моддий томондан. Лекин руҳлантиришни билайлик. Шу заминдан, шу осмондан, шу қуёшдан, олдимизга қўйилган улкан мақсадлардан руҳланиб яшайлик.

Бизда энг катта бойлик—халқимизнинг ғуруридир. Шу заминда ота-боболаримизнинг ҳоки ётибди, унга содиқ бўлай деган туйғуни болаларга сингдиришимиз керак". Мана шу сўзларни вилоятимизга ташриф буюрган Президентимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримов гапирганларида ҳаммаҳамманинг руҳи кўтарилди. Ғайратига ғайрат қўшилди.

ЗАФАР СУРУРИ

Бугун вилоятимиз меҳнаткашларининг қувончлари чексиз. Пахтакорларимиз ўз жасоратлари, ақл-заковатлари туфайли мустақиллигимизнинг учинчи йили ғалабасини қўлга киритдилар. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 280 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" топширилди. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 28 центнерни ташкил этди. Энг муҳими йиғиб териб олинган ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди, 24 минг тоннадан ортиқ сара уруғли пахта жамғарилди.

Қўлга киритилган ютуқ ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Обҳаво деҳқонлар учун бирмунча қулай келган бўлсада, мўлжалдаги ҳосилни йиғиштириб олиш учун тадбиркорлик билан иш олиб бориш, мазкур тармоқни деҳқончиликка чуқур эътиқоди бўлган, ғайрат ва ташаббус билан ишлайдиган, муаммоларни ҳал этишга йўл топа оладиган кишиларга топширилиши асосий омил бўлди.

Шунингдек, вилоятимизга энг долзарб паллада ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг ташриф буюргани айни муддао бўлди. Республикамиз раҳбариятидан биз доимо зарур пайтда чинакам мадад ҳамда қўллаб-қувватлашни ҳис этиб турдик. Республикамизда олиб борилаётган сиёсатнинг тўғрилиги, иқтисодий ислоҳотларнинг дадил жорий этилиши, айниқса мулкчилик шаклларининг ўзгариши деҳқонларимиз кучига-куч қўшди.

Чигитни ўгит солиб экканлигимиз, кўпчилик майдонларда ўсимликни табиий намга ундириб олганимиз, парвариш даврида ишлов оралиғидаги муддат қисқартирилиши пахтанинг барвақт етилишини таъминлади. Бироқ, вегетация даврида кунларнинг кескин исиши ўргимчаккана ва бошқа ҳашоратларнинг кўпайиб кетишига, бу эса маълум қийинчиликлар юзага келишига олиб келди. Пахтакорларимиз ҳар дақиқани ғанимат билиб уларга қарши кескин курашдилар. Пахтани пишириш, ғўза баргини сунъий тўктириш, шу билан йиғим-теримга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш бир-бирига боғлаб олиб борилди. Пахтачиликда ҳал қилувчи мавсум — йиғим-терим қисқа муддатларда ўтказилди. Норин, Задарё туманлари хўжаликларида ҳосилнинг асосий қисми "пўлат этак"лардан тўкилди. Далаларда 185 минг киши этак боғлаб пахта теришда иштирок этдилар.

Вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини қучган чортоқликлар 9 минг тоннага яқин, норинликлар 26 минг, наманганликлар 24 минг, задарёликлар 50 минг тоннадан ортиқ, попликлар 44 минг тоннадан зиёд, учқўрғонликлар 40 минг тонна юқори сифатли "оқ олтин" армуғон этдилар. Бугун-эрта Чуст, Тўрақўрғон, Уйчи ва Косонсой туманларининг меҳнаткашлари зафар маррасини эгаллайдилар.

Бугун вилоятимизда кўплаб пахта усталарининг номларини фахр билан тилга оламиз. Чортоқ туманидаги "Москва" жамоа хўжалигидан Қўчқорбой Паттоев, Наманган туманидаги "Зарбдор" жамоа хўжалигидан Турғунпўлат Солибоев, Норин туманидаги А. Шамсиддинов номли жамоа хўжалигидан Мамадали Тўраев бошлиқ бригадалар жамоалари ҳар гектар ердан 40-48 центнердан ҳосил етиштирдилар. Шунингдек, кўплаб механик-ҳайдовчилар, миришкор сувчи ҳамда чевар теримчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнатларини эъзозлаймиз. Ҳокимликлар, Халқ демократик партияси, деҳқончилик тизими мутахассислари, вилоят касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоатчилик органлари ташкилий ишларимизнинг маромида давом этишига камарбасталик қилдилар. Ҳар бир дала шийпони деҳқоннинг оромгоҳига айлантирилди. Бунда вилоятимиздаги 31 мингдан ортиқ ХДП аъзоларининг таркибий қисми бўлган мингдан ортиқ қишлоқ хўжалигидаги маслакдошларимиз ғалаба манзилини яқинлаштирдилар. Тарғибот ва ташвиқотчилар ўна юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорликнинг қиммати ҳақида одамларга оддий сўз билан тушунтирдилар. Маданият, тиббиёт, маиший хизмат, транспорт, алоқа ва савдо ходимлари далада ишловчиларга намунали хизмат кўрсатдилар.

Ноз-неъмат яратувчи ҳар бир кишидан ҳисоб сўровчи олтин куз келди. Умуман айтганда бизда йил яхши якунланмоқда. Халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун қарийб 135 минг тонна ғалла етиштирилиб, 62 минг тоннаси давлатга сотилди. Яхши ният билан келгуси йил учун яна 52 минг гектар майдондаги ғаллани тўла ундириб олдик. Бу билан мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига, вилоятимизнинг озиқ-овқат заҳирасига яна бир мустаҳкам асос қўйилди, дейиш мумкин. Биз сўнгги йилларда ўз халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан буғдой, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш, бошқа вилоятларга ҳам юбориш йўлини тутганмиз. Шу ҳисобига илгари "қора экин" саналган неъматлар бугун эл дастурхонини файзли қилмоқда.

Маълумки, сўнгги йиллар вилоятимизда аҳолининг газ ва ичимлик сувга бўлган талабини қондириш бўйича кўп ишлар қилинди. Ҳозир "Учқўрғон-Наманган" сув тиндириш иншооти қурилиши жадал кетяпти.

Асосий мақсадимиздан яна бири ҳақида тўхталмай ўтолмайман. Маълумки, вилоятимизда аҳоли зич. Серфарзанд халқимиз ўз истиқоматгоҳига бутунлай "ўрнашиб" қолган. Қишлоқ жойларда далаю ферма. Нима қилиш керак? Қишлоқни саноатлаштирмоқ лозим. Шунинг учун кичик-кичик корхоналар қуриш йўлидан боряпмиз.

Икки оғиз иқтисодий кўрсаткичлар хусусида гапирай. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда вилоятда қишлоқ хўжалигидан тушган пул даромади бир миллиард 29 минг сўмга етади. Фойда эса 225 миллион сўмни ташкил қилади. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари ошишидан 335 миллион сўм иқтисодий манфаат кўрилмоқда. Бу меҳнаткашларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарилишига, ғайратига ғайрат қўшилишига олиб келмоқда.

Бугун биз ғалаба завқини суряпмиз. Лекин далаларда ҳаракат бўшашгани йўқ. Мустақил Ўзбекистонимиз хирмонига яна қўшимча 20 минг тонна пахта етказиб бериб, ҳосилдорликни 30 центнердан оширамиз. Бу билан республикамиз пахта тайёрлаш режаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Олимжон БОЗОРОВ,
Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси.

Бу йил Задарё туманининг "Гигант" жамоа хўжалиги аъзолари вилоятда биринчилардан бўлиб мўл ҳосил етиштирдилар. Туман ҳокими Иброҳимжон Собиров пайкалларга бориб, ҳар бир гигантчини ғалаба қувончи билан табриклади.

Суратда: худди шу манзара акс эттирилган.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МУНОСИБ АРМУҒОН

Вилоят пахтакорлари ҳосил тўплаш, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойини айнан "гигант"ликлар тузган тадбир асосида ўтказган эдилар.

— Гоҳида шундай гаплар қулоққа чалинади. Пахта ҳар йилги иш-ку, шунга ҳам тадбир тузиш шартми? Мен "Ҳа, щарт" деб жавоб қайтаргим келади. Негаки, "режасиз иш — келтирар ташвиш" дейдилар. Июль ойида хўжалигимиз аъзолари "Зарбдор 60 кунлик" эълон қилдилар. Тадбирлар агросаноат уюшмаси томонидан тасдиқланиб, оммалаштирилди. Ғўзаларни парваришлаш агротехник талаблар асосида бўлди. Мақсад битта-биринчилар қаторида режани уддалаш. Ахир кўпчилик маъқуллаган тадбир зиммамизга алоҳида масъулият юклаган эди-да. Қолаверса "гигант"ликлар жуда аввалдан уста пахтакор, шоликор ва полизчи сифатида ном чиқаришган. Деҳқончилик маданияти ҳам шунга яраша бўлган.

Хуллас, кўзланган маррага етдик. 2371 гектар майдондан салкам 7000 тонна пахта йиғиштириб олдик. Тайёрланган ҳосилнинг 95 фоизи юқори навларга сотилди. 2,5 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилди. 1,5 минг тонна сара уруғлик пахта ҳозирланди. Бугун ҳар бир бригада бошлиғи ва сувчи, механизатор номини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Уларнинг ҳаммалари ёруғ юз билан турибдилар ва меҳнатни яна давом эттирмоқдалар. Мақсадимиз умумий хирмонни 7500 тоннага етказиб, ҳосилдорликни 31 центнердан оширишдир.

Абдусалом ҒОФУРОВ,
Задарё туманидаги "Гигант" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

АНЪАНАГА СОДИҚЛИК

Ўрта Чирчиқ тумани деярли ҳар йили вилоятда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажариб келади. Бу йил ҳам ана шу анъана бузилмади. Туман пахтакорлари об-ҳавонинг очиқ кунларидан омилкорлик билан фойдаланиб, давлат омборларига 35 минг тоннадан кўпроқ хом ашё топширдилар.

Туманнинг юксак хирмонига вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келган Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ҳамда "Гулистон", Охунбобоев номли, "Роватак", "Ҳақиқат", "Қорасув" жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Шу кунгача 2 минг 200 тонна пахта топшириб, йиллик режани ошириб бажарган Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида эса кунлик суръат бўшаштирилгани йўқ. Бу ерда кунига йиллик топшириққа нисбатан икки фоиздан зиёдроқ хом ашё териб олинмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ОТЧОПАР ЖАҲОН БОЗОРИГА АЙЛАНАДИ

Худога шукур, юртимизнинг кўплаб машҳур бозорлари бор. Бу бозорлар халқимизнинг юзи, муҳими қай даражада яшаётганлигимизни кўрсатиб туради.

Кейинги пайтларда Тошкент отчопарида вужудга келган бозор одамлар тилидан тушмай қолди. Демак, яна бир машҳур бозорга юртимиз бойимоқда.

Бу ерда айни кунларда қурилиш ишлари авж олдирилган. Негаки, бозор кўркам бўлгани яхши-да. Шу боисдан бозорнинг ғарбий томонидан 2 гектарлик майдонда усти ёпиқ, 4 корпусдан иборат қурилиш ишлари жадаллик билан бормоқда. Ҳар бир қурилаётган корпуснинг ҳажми 100х36 метр атрофида. Бунда ҳар хил савдо расталари шарқона усулда безатилади.

Қувонарлиси, мавжуд қурилишлар битса, бу ер Марказий Осиёда энг катта савдо иншооти бўлиб қолади. Уни Ўзбекистон Давлат қурилиш корпорациясига қарашли Тошкент шаҳар саноат қурилиши ташкилотининг 4-ихтисослашган трести ҳамда Ўзбекистон қурилиш трести бунёдкорлари барпо қилмоқдалар. Айни пайтда бу ерда бозорчилар ва харидорлар учун маданий-маиший комплекслар, автобус ва енгил машиналар учун махсус бекатлар қурилишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

Ш. ДЕҲҚОНОВ.

ШЎРЧИЛИК ПАХТАКОРЛАР МАРРАДА

СУРХОНДАРЁ. Шўрчи тумани пахтакорлари давлатга 28 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" топшириб вилоят туманлари ичида биринчи бўлиб зафар қучдилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил салкам 31 центнерга тўғри келди.

— Бу йил аксарият майдонларда пахтанинг "Наманган—77" нави етиштирилган эди,— дейди Шўрчи пахта тозалаш заводининг директори Суюн Тожиев.— Бу нав ҳосилидан 35,5 — 36 фоиз тола чиқиши мумкин. Демак, биз ўтган йилдагидан сифатли ва мўл тола ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз.

Шўрчилик зарпшуносларининг сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олиш учун суръатни бўшаштирмай меҳнат қилишяпти.

Олимжон УСАНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ҚИРМИЗИ ДОН

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг II қурултойи очилиши кунига Қорақалпоғистон Республикаси шоликорлари муносиб совға тайёрладилар. Давлатга 215 минг тоннадан зиёд шоли топширилди. Белгиланган режа 31 иш кунида адо этилди.

Қўнғирот туманидаги "Хоразм", Тахтакўпир туманидаги "Махпалкул", Қонликўл туманидаги "Киндикўзак" шоличилик жамоа хўжаликлари республикада биринчилар қаторида шоли тайёрлаш режаларини ошириб бажардилар.

— Давлатга 7900 тонна ўрнига салкам 10 минг тонна шоли топширдик,— дейди Тахтакўпир қишлоқ хўжалиги ижара корхонаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати А. Одилов.

Етиштирилган ҳосилни барвақт янчиб олишда Президентимиз фармонлари асосида 1 тонна шоли учун 1750 сўмдан пул тўланди. Эндиликда қолган шолини нес-нобуд қилмасдан ўриб, янчиб олишда қатор тадбирий ишлар амалга оширилиб, ҳар килограмм шоли учун 2 сўмдан пул тўланмоқда. Бу эса шоликор ва механизаторларни янада меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

Шоли ўриш, янчиш ишлари кузги-қишки тайёргарликлар билан қўшиб олиб борилмоқда. Яқин келажакда Қорақалпоғистон Республикасида шоли етиштиришни 1,5-2 ҳиссага кўпайтириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Севимли газетангиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ "га обуна бўлдингизми? Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли хабарлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йилнинг 15 ноябрида Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида КИМ ОШДИ савдоси ўтказилади.

Навбатдаги сотувга қуйидаги иншоотлар қўйилади:

АВТОКОРХОНА БАЗАСИ

Автокорхона 1985 йилда қурилган, Ульяново шаҳри Катта Ўзбек трактининг Ульяново— Ховос йўли ёнида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

МОЛХОНА БИНОСИ

100 бош қора молга мўлжалланган молхона Зомин тумани марказида 3 км. масофада жойлашган. Ер майдони 1 гектар. 2 хонали уй, Водопровод крани, ем сақланадиган омборхона ва пешайвон бор. 1981 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, томи шифер билан ёпилган.
Бошланғич баҳоси — 83 минг сўм.

«ГАЗ-52» АВТОДЎКОНИ

1982 йилдан буён ишлатиб келинаётган автомашинанинг кўриниши ва ишлаш ҳолати яхши. Мотори жорий таъмирланган.
Бошланғич баҳоси — 9 минг сўм.

«ГАЗ-52» ЮК МАШИНАСИ

1980 йилдан буён ишлатилаётган автомашинанинг кўриниши ва ишлаш ҳолати яхши. Мотори қисман таъмирталаб.
Бошланғич баҳоси — 10 минг сўм.

ҲАММОМ

Пахтакор шаҳрида жойлашган. 1971 йилда охирги марта капитал таъмирланган. Электр, газ, водопровод билан таъминланган.
Бошланғич баҳоси — 14 минг сўм.

РЕСТОРАН

Пахтакор туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалиги марказида, темир йўл ёнида жойлашган. 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 1-қаватида ошхона ва савдо дўкони, 2-қаватида ошхона зали ва буфети жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ШАХСИЙ «КАМАЗ-5320»

1980 йилда чиқарилган КАМАЗнинг кўриниш қисми, кузови, юриш қисми, балони ва дискалари яхши ҳолатда. Фақат мотори қисман таъмирталаб.
Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

СОТИБ ОЛИБ, 5

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН КИНОТЕАТР

Жиззах шаҳридаги тиббий билим юртининг ёнида, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган. Атрофлари бетон девор билан ўралган. Умумий майдони 1 гектар, қурилиш майдони 140 кв. м. Кинотеатрнинг пойдевор ишлари 1992 йилда бошланган, ҳозир тўхтатиб қўйилган.
Бошланғич баҳоси — 28 минг сўм.

ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УСТАХОНАСИ

Ульяново шаҳрида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 41 минг сўм.

Фориш туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 2,5 минг сўм.

Фориш туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 10 минг сўм.

Зафаробод туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 2 минг сўм.

Арнасой туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 31 минг сўм.

Бахмал туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 2 минг сўм.

Бахмал туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм

Пахтакор туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 11 минг сўм.

Пахтакор туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 5,5 минг сўм.

Дўстлик туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 7,5 минг сўм.

Зомин туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 48 минг сўм.

Ғаллаорол туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 38 минг сўм.

Мирзачўл туманидаги автотеххизмат устахонаси
Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
Жиззах шаҳрида 3-30-18.
Пахтакор туманида 3-26-49; 3-11-80.

Партия ходими: шахсий ҳаёт манзаралари

ХОРАЗМ САНЪАТИНИНГ ФАРҒОНАЛИК ШАЙДОСИ

Одатда биз партия ходими ҳақида кам ёзамиз. Ёзганимизда ҳам асосан унинг вазифасига оид ютуқ ва камчиликлари, партиявий иш фаолиятига эътиборни қаратамиз. Ҳолбуки, у ҳам жўжабирдай жон, бола-чақа, рўзғор ташвишини елкасига ортмоқлаган, дўст-ёр, қариндош-уруғчилик расм-русмларини қойиллатадиган оддий бир киши. Ҳаётда ўзига хос қизиқиш, интилишлари бор. Масалан, Фарғона туманларидан бирининг ХДП кенгаши котиби анча танилиб қолган шоир, бири эси яхшигина созанда, яна бири эски осориатиқалар йиғиш билан шуғулланишидан хабарим бор. Кўпчилик буни оврупочасига "хобби" дейди. Ўзбекчасига ҳавас дейилса тўғри келар. Ўзбекистон ХДП Риштон туман кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлайдиган Муҳаммаджон Обидовда ҳам мана шундай ғаройиб ҳавас бор.

... Қантак ўрикларнинг шиғил мева шохлари ларзон. Енгил шабада кўҳна Хоразмнинг ўйноқи наволарини боғ аро етаклаб юрибди. Уйнинг бир хонаси хоразмча жиҳозланган. Риштондаги Оқ ер қишлоғида Хоразм қўшиқ санъатининг чин мухлиси, фидойиси бўлмиш бир инсон яшайди.

– 1949 йил эди. Жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлайдиган отамга мукофот тариқасида батареяли радио беришди. Ўша йиллари хоразмлик санъаткорлар жуда кучайган. Радио қулоғини бурашингиз билан ё Султонпошша Раҳимова ё Назира Юсупова ё Эркиной Бекжоновларнинг хониши янграйди. Бири биридан таъсирчан, ўйноқи, дилрабо куйлар. Кўзимни юмсам поёнсиз саҳро бағридаги ям-яшил воҳа, мовий гумбазлар гавдаланади. Шу-шу Хоразм куйларининг шайдоси бўлиб қолдим, – дейди хонадон соҳиби Муҳаммаджон ака.

У болалигидан бошлаб Хоразм қўшиқчиларининг пластинкаларини йиғади. Уларни магнит тасмага кўчиради, сақлайди. У Хоразм наволарининг шайдосигина эмас, балки уларнинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси ҳам. Ҳозирги пайтда қўшиқ ихлосмандининг шахсий фонотекасида 44 нафар хоразмлик санъаткорнинг мингдан зиёд қўшиғи муҳрланган магнит тасмалари мавжуд. К. Отаниёзовнинг юздан ортиқ, С. Раҳимовнинг 30 та, М. Раҳимов ва Х. Болтаевларнинг 50 га яқин, Н. Юсуповнинг 15 та қўшиғи сақланади бу ноёб бисотхонада. Шуниси борки, бу қўшиқларнинг кўпи ноёб: бошқа ёқларда сақланиб қолмаган. Масалан, Муҳаммаджон акада Комилжон Отаниёзовнинг хонанда пластинка жамламасига кирмаган 30 та, С. Раҳимова ва Н. Юсуповаларнинг 10дан ортиқ ягона нусхадаги ёзувлари бор.

Бу хонадонга Хоразм қўшиқларининг шайдолари тўпланишади. Унинг бир ташвиши бор. Ноёб овоз, юксак истеъдод эгалари бўлган, 20-30 йил муқаддам миллионлаб мухлислар қалбини ром этган қўшиқчиларга эътибор камайиб кетяпти. Уларнинг ижодларини бугунги авлодга етказиш, келажак учун сақлаб қолиш ҳақида ғамхўрлик кам. М. Обидов бу хусусда республика телевидениеси, маданият вазирлиги, Хоразм вилояти маданият муассасаларига қўплаб мактублар ёзди.

– Эркиной Бекжонова республикамизда тор билан қўшиқ айтадиган илк хонанда, ғўзал овоз соҳибаси эди. Шу киши, Назира Юсупова ва бошқа қатор хоразмлик санъаткорлар ижоди ҳақида видеофильмлар яратиш лозимлиги ҳақида кўп жойларга хатлар йўлладим. Афсуски, улар амалга ошмаяпти. Ахир, санъаткор янги йил арчасидай бир кунгина хонадонга кўрк берадиган нарса эмас. Улуғ санъаткорлар қўшиқ ихлосманди билан бир умрга бирга яшайдилар. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ноёб овозларидан келгуси авлод ҳам баҳраманд бўлиши ғамини ейиш биз учун фарздир, – дейди у.

Султонпошша Раҳимованинг 60 йиллиги яқинлашган кезларда Муҳаммаджон ака "Опанинг тўйи ёддан чиқиб қолмадимикин", деган ташвишда Хоразм вилоят маданият бошқармасига мактуб йўллади. Унинг мактуби хоразмликларнинг иззат-нафсига тегмади. Чунки, кекса санъаткор юбилейига тайёргарлик Хоразмда олдиндан бошланган эди. Лекин опанинг Фарғонада шундай жонкуяр мухлиси борлигидан Хоразм санъаткорларининг боши кўкка етди. Республика газеталарида унинг "Ветеранлар унутилмасин", "Ҳақли талаб" сингари мақолалари босилиб чиққан. Бу мақолаларда Хоразм санъаткорларининг бугуни ва эртаси ҳақида фикр юритилган эди. Республика телевидениеси М. Обидовнинг таклифлари асосида "Феруз" (Назира Юсупова ҳақида) ва "Ёрнинг гули келди..." (Султонпошша Раҳимова ҳақида) видеофильмларини суратга олишни режалаштирган эди. Ҳатто, бу фильмлар Тошкент телевидениеси адабий-мусиқий бирлашмасининг 1991 йилги иш режасига ҳам киритилганди. Афсуски, маълум сабабларга кўра режа режалигича қолиб кетди.

Муҳаммаджон ака ўкинди, лекин чекинмади. Ўзи сценарийлар ёзиб, шу буюк санъаткорлар ҳақида... фильмлар яратди! Фильм Амударе тўлқинлари пишқириғи, Хива боғларидаги булбул наволари билан очилади ва аста Султонпошша Раҳимова қўшиқларига уланади. Диктор кадр ортидан хонанда ҳаёти ва ижоди, унинг устоз, шогирдлари ҳақида сўзлайди. Сиз 45 дақиқа Султонпошша Раҳимова ижоди олами оғушида ҳузурланасиз. Жонкуяр мухлис Эркиной Бекжонова, Назира Юсупова, Матёқуб Раҳимовлар ҳақида ҳам шундай фильмлар яратди. Афсуски, бу фильмларда овоз бор-у, тасвир йўқ. Чунки улар оддий оҳанрабо тасмасига ёзилган-да! Фақат фильм овози чиқаётган магнитафон атрофларида фильм қаҳрамони бўлмиш қўшиқчининг суратлари териб қўйилди. Муҳаммаджон ака бу фильмларни ёр-дўстлари, мухлисларига қўйиб беради.

У ўзи севган битта қўшиқнинг турли ҳофизлар ижросидаги намуналарини йиғиб, бир тасмага ёзади. Масалан, унда "Феруз авжлари" деб аталган махсус дастур ёзилган тасма бор. Бу тасмада ўн нафар йирик қўшиқчи айтган "Феруз-1" қўшиғи жамланган. Қўшиқлар ҳар бир қўшиқчининг айни камолотга етган пайтида тасмага муҳрланган. Масалан, Назира Юсуповнинг 1949 йили, Маъмуржон Узоқовнинг 1953 йили, Комилжон Отаниёзовнинг 1964 йили айтган "Феруз I"-лари бор бунда. Олмахон Ҳайитова, Фотима Баротова, Қувондиқ Искандаров ва Жўрабек Набиевлар кетма-кет бу гўзал қўшиқни ижро этишади. Тингловчи олдида ўзига хос бир олам очилади. Бу қўшиқчиларнинг ҳар бири Оғаҳийнинг қалб нидосини ўзига хос қочиримлар, оҳанглари ила айтганига, авж пардаларини олишда эса ўзаро мусобақалашгандай овоз товлантиришларига маҳлиё бўласиз. "Қаро кўзим", "Шитоб айлаб", "Қеча келгумдир дебон", "Тановар" ва бошқа қатор машҳур қўшиқларнинг турли ҳофизлар ижросидаги талқинлари жамланган оҳанграбо тасмалари шинаванда учун эмас, балки санъатшунос олим, бошловчи қўшиқчи, талаба учун ҳам қимматбаҳодир.

Ҳа, инсон қалб садосига қулоқ тутиб яшайди. Юрагидаги жўшқин туйғулар уни санъатнинг сеҳрли соҳилларидан бир зум ором олиш, пок ҳисларга чулғаниб ўлтиришга ундайди. Санъатнинг буюк сеҳри ҳам ана шунда-да! Акс ҳолда вилоятдаги йирик партия ташкилотларидан бирининг раҳбари, жиддий ва салобатли етакчи "ҳавас" туфайли тунларни тонгларга улар, қўшиқ тинглаб, қўшиқ кўчириб, қўшиқ ёзармиди? Ўзга шаҳарлар, қўшни давлатлардан ноёб қўшиқларни топиб келиш учун вақт, маблағ сарфлармиди? Зеро, ҳозирги пайтда унинг бисотида юздан зиёд хондананинг қўшиқлари тўпланган. Ёзувли тасмаларнинг умумий узунлиги бир неча ўн чақиримни ташкил этади.

Санъат туфайли М. Обидов ўзи ҳали бирор марта бормаган олис юрт, харазмлик санъатсеварлар билан хатлар ёзишиб туради. Хоразм вилояти маданият ходимлари Фарғонадан хат ёзиб, кекса қўшиқчиларнинг ҳол-аҳволини сўраб турадиган, уларни телевизорда чиқартириш, овозларини ёзиб олиш хусусида қайғурадиган бу одамни яхши билишади, ҳурмат қилишади. Хоразм вилояти ҳокими Маркс Жуманиёзов ўтган йили Муҳаммаджон акага ёзган мактубида бутун хоразмликлар фикрини ифодалаб шундай деган эди:

"Халқимизнинг маънавият юлдузларига айланган табаррук ижодкорлар меросини авайлаб асраш, чуқур ўрганиб бориш, номларини абадийлаштириш, умуман Хоразм санъатини тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги Сизнинг истакларингиз вилоятимизда миллий қадрият ва анъаналаримизни, тарихий бойликларимизни кўз қорачиғидай ардоқлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга ҳамоҳанг эканлиги бизни қувонтиради.

Сизнинг фонотекангиздаги кўплаб ноёб қўшиқлар ҳали илмий тадқиқотчиларга, санъат тарихи ихлосмандларига кўп марта бой манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман. Хоразм санъатига бўлган меҳру-ихлосингиз, жонкуярлигингиз учун ташаккур!"

Муҳаммаджон ака хонадонида ўтириб Хоразм наволарини тингладик. Болалигимиздан қонимизга, руҳимизга сингиб кетган таниш оҳанглар. Ана шунда мен ҳаммамиз, Ўзбекистоннинг қайси шаҳри ёки қишлоғида туғилмайлик онамиз – ягона Ўзбекистон эканлигига яна бир карра имон келтирдим. Зеро, қўшиқ миллий қадриятимизнинг олмос парчасидир. Халқ руҳини жиплаштирадиган, дилларни дилларга улайдиган бебаҳо воситадир. Қўшиқни қадрлаган киши эса Юрт, Ватан, Миллат қадрига етади.

Хайрлашиб Хоразмнинг Фарғонадаги бир парчасидан чиқар эканмиз, боғ узра Комилжоннинг ўлмас овози зўр қудрат ила парвоз этарди:

Мушкин қошингнинг ҳайъати
Ул чашми жаллод устина...

Алишер ИБОДИНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири

1994 йил — Оила йили

КЕКСАЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

Катта бир гузару маҳаллани маслаҳати-ла бошқариб турган табаррук бобо-момоларни сўроқлаб, дуосини олай деб олдига борганмисиз? Қунт қилинг, боринг. Руҳингиз енгил тортади, вужудингизга куч-қувват эна бошлайди. Уларнинг фариштаси бор, фариштаси...

Занғиота туманининг "Мустақиллик" жамоа хўжалигида ана шундай эзозли онахон яшайди. Ойимчахон ая бу йил 85 баҳорни қаршилаяптилар, илойим умрлари узоқ бўлсин. Аянинг ҳовлисига борган кунимиз катта оиланинг ўз меҳнати-ла маҳалла-куйаро ҳурмат топган каттаю кичиги йиғилган экан, уларга ҳавасимиз келди.

Бу аҳил оиланинг ўз-ўзини барча маҳсулот билан таъминлайдиган фермер хўжалиги бор экан. 13 бош қўй, 2 та буқа, зотдор сигир, товуқлар, олти сотих жойдаги иссиқхонага экилган сабзавот, асосан помидор — мана сизга оиланинг куч-қуввати. Гуруч, ун ва ёғдан бўлак барча нарса оиланинг ёрдамчи хўжалигидан чиқаркан. Оила аъзолари рўзғорга қарашдан заррача эринмайдилар. Ахир бу қадар катта хўжаликка вақтида суви, емишини бериб туриш осон дейсизми?.. Президентимизнинг фермерлар ҳақидаги, аҳолига томорқа бериш тўғрисидаги фармонларини эшитганда "Бу одам элни бой қилади", деган эканлар. Шу ҳақда аянинг икки оғиз гапларини эшитгимиз келди.

— 30-йилларда ҳар куни бир қозон атала билан оч қолган

қозоқ-қирғиз болаларини ҳам боқардик. Қийинчилик нималигини ўшанда кўрганман, — дейди ая. — Бари ортда қолди. Муҳаббат, Мукамбар, Дилбар, Дилобар исмли қизларим, Набижон ва Мансуржон деган ўғилларим бор. Мансуржон билан бир ҳовлидаман. Биринчи неварам ҳам, биринчи эварам ҳам шу ҳовлида туғилди. Раҳматли қайнотам Али ота 92 ёшга кирган эдилар, қарангки, 90 ёшларида ҳам кетмон чопар эдилар. У кишидаги яхши хислатлар фарзандларига ҳам ўтган, Маҳмуд акам билан турмушимиз тотув эди. Болаларнинг адаси узоқ йиллар колхозга раис, кейинроқ эса маҳаллақўм бўлгандилар. Райижроқўм икковимизнинг олтин тўйимизда 1975 йили мукофот деб "Жигули" автомашинаси берган. Бари меҳнату аҳиллиқдан, болаларим. Набираю эвараларимга доимо эл назарида юринглар, ўзаро ҳурмат-эътиборли бўлинглар, дейман.

— Бари онамизнинг фозилаликларидан, бизга бераётган тарбияларию ўгитларининг ижобатидан, — дейди Мансур ака. — Томорқаю рўзғорга асосан Маъмуржон қараса-да, ойимиз доимо маслаҳат берадилар, қари билганни пари билмаскан. Уйимизнинг фариштаси, неваралари 34, чеваралари 54 нафар, келин-куёвларини ҳам қўшиб ҳисобласак юздан ошади. Қозоқовул деб ном олган (ҳозир Иттифоқ деб аталади) маҳалламиз ёшу қариси аямизни сўраб чиқиб туришади. Ҳовлида жами 8 киши яшаймиз, онамиз бизга бош-қош, менга кўпинча "Ўғлим катталигинг идорада, уйга келгач, ҳамма қаторисан", дейдилар. Кеннойингиз Зуҳрахон ҳам онамни ўз онасидек эъзозлайди. Келиним Нодирахонни айтмасам ҳам, мана, кўриб турибсиз. Ўғлим Мухторжон эса оиламизнинг катта дастёри, бу йил темирйўл транспорти институтини тугатиб, ҳозир "Интер-Осиё" корпорациясида ишламоқда. Шанба-якшанба кунлари фурсат топиб қўшни туманлардан ем-хашак ўриб келамиз. Менимча, ҳар бир оила ўзини шу тахлит таъминлашга ўтса Президентимиз ҳаракат қилаётган тўкин-сочин кунларнинг келиши тезлашади. Очиғи, биз онамиз бошчилигида давлатимиз сиёсатини фақат хизматда эмас, оиламизда ҳам рўёбга чиқаряпмиз. Насиб этса келгуси йил онамизнинг 85 баҳорини кенжа неварамизнинг суннат тўйи билан бирга ўтказмоқчимиз.

Кун қаримоқда эди. Аядан кетишга ижозат сўрадик. "Илойим, юртимиз тинч бўлсин, элу халқ тинчлигини, тотувлигини ўйлаб ишлаётган юртбошимизга Яратганнинг ўзи куч-қувват берсин. Юртимизда тўкинлик бўлиб, нонларинг бутун, бошларинг омон бўлаверсин, болаларим", дедилар. Очиғи шу фурсат ичида онахон бизнинг ҳам бувимизга айланиб қолган эдилар.

Суратда: табаррук онахон оила аъзолари даврасида.

Набижон ЭРГАШЕВ,
Маъмуржон УМРЗОҚОВ.

• Ғалабанинг 50 йиллигига

МАНГУЛИК БОҒИ

• БУГУН уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчилар, жамоат арбоблари, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия ва Украинанинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакилларидан иборат Тинчлик сафари қатнашчилари Фарғона водийсига етиб келадилар.

Улар уч кун аввал республика бошкентининг Мустақиллик майдонида хайрли сафарни бошлашган эдилар. Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб, оталаримиз кўрсатган жасорат мангулик тимсоли эканини намойиш этиб, ёшларимиз тарбиясига ҳиссадор бўлиш мақсадида ана шу сафарни уюштиришга жазм этишганди. Сафар қатнашчилари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон шаҳар-қишлоқлари орқали жойларда турли хайрли ишларни бажариб, водийга ташриф буюрадилар. Улар йўл-йўлакай мангу олов пойига гулчамбарлар қўядилар, фотиҳага қўл очиб истиқлол кунлар учун шукроналар айтадилар. Бугун Фарғона шаҳрида тантанали йиғилиш бўлади. Савобли тадбир қатнашчилари "Мангулик боғи"га асос соладилар. Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси фахрийлар кенгаши, республика Миллий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда "Наврўз" жамғармалари ташаббуси билан ўтказилмоқда.

М. РАҲИМОВ.

Спорт

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

. Ғиждувонда халқаро шашка бўйича кўзи ожизл р ўртасида Бухоро вилояти биринчилиги ўтказилди.

Вилоятнинг турли бурчакларидан тўпланган спортчилар бир неча кун мобайнида ўзаро дона суришди. Учрашувларни муваффақиятли ўтказган Бухородаги 24-кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг ўқитувчиси Умар Орипов бош соврин эгаси бўлди. Унга чўғдек гилам соврин тарақасида берилди. Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудидаги кўзи ожизлар жамияти бошланғич ташкилоти раҳбари Абдуғаффор Азизов, Ғиждувондаги махсус кутубхона ходими Абдуфармон Мажидов, Ғиждувон ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси директори Нажмиддин Фазлиевлар бир хил имкониятга эга бўлганликлари учун уларнинг барига қолган совринли ўринлар насиб этди.

Акбар ҲАЙДАРОВ.

ХАЛҚАРО ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИ

. Далварзинтепадан топилган қадимий шахмат доналари Турон заминда шатранж ўйини қадимдан маълум эканлигидан нишонадир.

Бу ерда, қарийб 4 йилдирки, шахмат фестивали ўтказилмоқда. Мусобақага ҳамдўстлик мамлакатларидан қатнашчилар ҳам жалб қилинар эди. Бу йилдан фестивал халқаро мақом олди. Фестивалга Франция, Германия, Австрия, Вьетнам ва Россия каби мамлакатлардан вакиллар келишган. Фестивални ўтказишда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳомийлик қилди. Анжуманнинг очилиши маросимида вилоят ҳокими Ж. Норалиев, мусобақа бош ҳаками, австралиялик М. Католик, россиялик халқаро спорт устаси И. Якубовлар иштирок этишди.

Олимжон УСАНОВ.

ГЕНЕРАЛНИ ХОТИРЛАБ

Бугун Фарғонада Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишланган футбол мусобақалари бошланади.

6 ноябрга қадар давом этадиган хотира турнирида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирликлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, Транспорт бошқармаси, Тошкент Олий милиция мактабининг футбол жамоалари иштирок этадилар.

С. ҲАЙДАРОВ.

КИЧИК ТЎП МАСКАНИ

. Бухоро вилоятида спортнинг оммавий турларидан ҳисобланган теннисни ривожлантиришга эътибор қилинмоқда.

Яқинда темирйўлчилар шаҳри Когоннинг "Локомотив" ўйингоҳи мажмуида катта теннис майдони қуриб фойдаланишга топширилди. Уни Ўрта Осиё темирйўли Бухоро бўлимининг қурилиш ташкилотлари бунёд этдилар. Бу ерда йирик мусобақалар ўтказиш учун қулай шароитлар яратилган. Дастлабки мусобақалар ҳам бўлиб ўтди.

Д. БАҲРОНОВ

Ҳак-ҳуқуқингизни биласизми?

Савол: Бир пайтлар "За трудовое отличие" деган медаль билан мукофотланган эдим. Шунга имтиёзлар борми?

А. ТЕМУРОВ, Хива шаҳри.

Жавоб: Сиз агарда собиқ СССР вақтида "За трудовое отличие" медалини олган бўлсангиз қонунда бу кўкрак нишони учун қўшимча имтиёз бериш кўзда тутилмаган.

***

Савол: Биз 1992 йилнинг сентябрь ойида "ООО Бизнес" акцияларини сотиб олган эдик. Энди пулини қайтариб ололмаяпмиз. Нима қилайлик?

Н. МАТЁҚУБОВ,
Хазорасп тумани.

Жавоб: Сиз аввало акциялар кимга қарашли, қайси томондан чиқарилган бўлса ўшаларга учрашишингиз керак бўлади. Агарда қониқмасангиз унда акцияларни чиқарган ва жойлашган туман, шаҳар судига ёки прокуратурага мурожаат қилинг.

***

Савол: Икки нафар болам бор, шунга қанақа нафақа тўланади?

Б. ЮСУПОВА, Андижон шаҳри.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра икки нафар вояга етмаган фарзандларингиз учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 20 фоизи м қдорида нафақа тўланади. Бу Фармон шу йил 16 июндан кучга кирган. Ишламасангиз нафақа учун туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизга тўғри келади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Жамғарма банки

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

КЎРҚАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН МУДДАТЛИ ОМОНАТ БУ СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗ ЕЧИМИДИР

Бу янги омонат тури 1994 йил 1 ноябрдан, камида бир йил сақлаш муддати билан ва йилига 100% миқдорида даромад тўланишлари билан киритилмоқда.

Қўйидаги имтиёзлар ўзига жалб қилиб, Сизни ҳайратга солади:

омонат очилаётганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди ва шунингдек, исми-шарифингиз омонат дафтарчасига ва бошқа ҳужжатларга ёзилмайди;

омонатнинг сирлиги ва тўлиқ сақланишига кафолат берилади.

БУ ОМОНАТ 500 СЎМ ВА ҮНДАН ЮҚОРИ МИҚДОРЛАРГА ОЧИЛАДИ.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг истаган муассасасидан ёки қўйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
45-35-49; 45-66-43; 33-51-95.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОСМОНДА ЎТКАЗИЛГАН ТЎЙ

• Қанчалик тўғрилигини билмадигу домла бўлажак келинкуёвнинг розилигини сўраётганда никоҳ осмондан тушармиш, деган гаплар бор. Шунинг учунми ўзи ҳинд бўлса ҳам келиб чиқиши Бирлашган Араб Амирлигидан ҳисобланувчи Дилип Попли исмли йигит никоҳу тўйни осмонда ўтказишни орзу қилиб қолди. Унинг бомбейлик Сунита билан тўйи ижарага олинган "А-310" аэробусининг 10 километр юксакликка кўтарилган ҳолатида ўтказилди. 2 соат давом этган парвоз давомида 200 дан ортиқ меҳмон иштирок этган тўй куёв бола учун 1,4 миллион рупий ёки 45 минг долларга тушди.

САМОГА СОЧИЛГАН ОЛТИНЛАР

• Қозон аэродромининг смена бошлиғи Виктор Коренев Свердлов фуқаро ҳаво флоти бошқармасига қарашли Янул шаҳридан парвоз қилган почта самолётини кутарди. Ўзаро алоқага мувофиқ самолёт алоҳида эътибор билан навбатдан ташқари қўндириб олиниши зарур эди. Ҳаммаси жойида бўлди. Лекин ҳаво кемаси ерга қўнгач унинг мотори кутилмаганда ўчиб қолди. Коренев хавотирда самолёт сари ошиқди. Не кўз билан кўрсинки, самолётнинг дум тарафидаги металл қопламалардан асар ҳам қолмаган эди. Ўзини зўрга босиб турган учувчининг ҳикоя қилишича, Вятский далалари тепасида момоқалдироқли булутга дуч келинган. Самолёт шундай зарб олганки, унинг дум қисмидаги яшиклар атрофга сочилиб кетган. Қуйма металлардан биттасигина аллақаерда қисилиб қолибди. Албатта бу қуймалар платинали соф олтинлар эди. Махсус юкни олиб бораётган тажрибали учувчи ўзини йўқотмай, ҳалокатдан кейин воқеа юз берган майдонни икки марта айланиб, жойни билиб олган. Тезлик билан ташкил этилган қидирув экспедицияси "олтин доира"ни тинтув қилиб, олтин қуймаларнинг бирортасини қолдирмай топиб олди.

ТУПРОҚҚА БУЛҒАНГАН ОЛМОСЛАР

• Ёмон ниятли бир гуруҳ рэкетчилар "Москва-Целиноград" поездига чиқиб проводниккга дағдаға қилдилар. Улар ҳаммаёқни тинтув қилиб, почта вагонининг очиқ сейфида турган чоғроқ қутичани ҳам ўмариб кетишди. Поезд мутасаддилари бўлиб ўтган воқеани Уфа шаҳар йўл милицияси бўлимига маълум қилишди.

Милиция ходимлари эса ҳайратдан бошларини ушлаб қолдилар.

Сабаби ўғирланган қутичаларда бир неча миллион сўмлик техник олмослар бор эди. Қидир-қидир бошланиб кетди. Ўғрибоши давлатнинг мулкига кўз олайтирган ҳамтовоғини қаттиқ жазолабди. Ўғри эса ойнасимон йилтироқ маъданларни кўчага улоқтирибди. Олмосларнинг изига ушиш қийин бўлди. Чунки қимматбаҳо тошлар тупроққа булғанган эди. Барибир уларнинг аксарияти қидириб топилди.

ЎҒИЛМИ Ё ҚИЗ

• Дунёга келадиган бўлажак меҳмоннинг ўғил ё қиз бўлишини олдиндан билиш кимни қизиқтирмайди дейсиз. Одамлар бу борада ҳар хил усулларни қўллашади. Лекин самараси қамроқ. Чикагонинг Дюка университети олими ўз изланишларини антиқа хулосаламоқда. Унинг фикрига қараганда ўғил ё қиз бўлишлик ҳомиладор онанинг еб-ичиши билан боғлиқ экан.

Олимнинг ўрганишича, ҳомиланинг ўғил бўлиши учун она кўпроқ кўзикорин, кўкатлардан шпинат, банан, хурмо ва каштанлар тановул қилиши лозимки, бундай емишлар таркибида калий моддаси кўпроқ бўлар экан. Аксинча сут маҳсулотлари, тухум, сабзавот-мевалар таркибида кальцийнинг кўплиги бу борадаги ишларга монелик қилар экан. Бордию қиз болани хушласангиз овқатнинг намагини пастроқ қилганингиз маъқул. Буни билиш учун 1977-83 йиллар мобайнида 388 аёл синовдан ўтказилган.

Натижа эса 82 фоизни ташкил этган. Хуллас еб-ичишни ўрнига қўйган одам ниятига етса, ажабмас.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; ; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.00. Г – 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: А. МАННОПОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

1 2 3 4 5 6.